



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
Зариф Юсупович Аминов Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
Шокиржон Шарипжонович Банноев Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
Shahloxon Shavkatovna Sharifova Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
Акмал Алимжонович Салимов Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Нозир Алиевич Ибрагимов Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва худуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
Зарина Ҳусановна Рафиева Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рўзибой Нормухоматов, Акрам Джуракулович Ғафуров Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
Раънохон Махмудовна Каримжанова Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
Музаффар Мусаевич Усмонов К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

Акмал Алимжонович Салимов – ЎзДЖТСУ, доцент, иқтисод фанлари бўйича (PhD)

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капитални ўрни ва аҳамияти ўрганилган. Инсон капитални индекси ва рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни таҳлил қилинган. Келажак иқтисодий ва меҳнат бозори талабларини уйғунлаштириш имкониятлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: жамият, ўзгаришни бошқариш, инсон капитални, инсон капитални индекси, таълим, соғлиқни сақлаш, инвестиция, меҳнат бозори.

Кириш. Ўзгариш – замонавий ҳаётнинг доимий талаби бўлиб, бугунги кунда у долзарб масала ҳисобланади. Мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда барча соҳаларда жумладан, инсон капитални ривожлантириш соҳасида ўзгаришларни амалга ошириш объектив зарурат ва муҳим стратегик вазифага айланмоқда. Инсон капитални ҳар қандай мамлакатнинг асосий бойлиги ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг пойдевори ҳисобланади. Инсоннинг ривожланиши ва уни капитал сифатида шаклланиши муаммоларини ўрганиш жаҳон илм-фанининг бош масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар инсон ва шахснинг мамлакат ижтимоий - иқтисодий ривожланишини таъминлашдаги ўрнини чуқур мушоҳада, тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясига асосан **инсон капитални** ривожлантириш, **2030 йилгача** Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг **50 та** илғор мамлакатни таркибига кириш этиб белгиланди. Бу мақсадга эришиш учун барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодий эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири эканлиги қайд этилган[1].

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 4-боби “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш”га қаратилган бўлиб, унда инсон капитални ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилган[2]. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “...ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур”[3]. Шу жиҳатдан, ўзгараётган Ўзбекистонда инсон капитални ривожлантириш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Инсон капитални шакллантириш ва ривожлантириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотларни бир қанча босқичларга бўлиш мумкин. Қадимги Осиё ва Юнонистон мактаблари намояналари қўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлиши сабаблари ва уни қандай қилиб кўпайтириш мумкинлигини ўрганишда ёлланма ишчиға ҳақ тўлаш, ёлланма меҳнат муносабатларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Инсон капитални ижтимоий – иқтисодий асосларини шакллантириш жараёнини тадқиқ этишда муҳим илмий – амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммоларнинг назарий – амалий жиҳатлари иқтисодчи – олимлар А.Смит, Т.Шульц, Г.Беккер, Э.Денисон, Р.Солоу, С.Фишер томонидан илк бор тадқиқ этилган.

Инсон капитални шакллантириш ва ривожлантиришни тадқиқ этишни учинчи босқичи намояналари бўлмиш Чикаго университети профессорлари Т.Шульц ва Г.Беккерлар илк бор ўтган асрнинг 60-йилларида инсон капитални атамасини фанга олиб кирдилар. Беккер инсон капитални ҳар бир инсонда мавжуд бўлган билим, малака ва мотивациялар захираси эканлигини алоҳида изоҳлаб берган. У таълим, ишлаб чиқаришда тайёргарлик, соғлиқни сақлаш, миграция, нарх ва даромад ҳақида маълумотларни тўплашга харажатлар шаклидаги инсонда инвестициялар (узук муддатли капитал

қўйилмалар) йўли билан шаклланади деб таъкидлайди. Таълим олиш, ишлаб чиқариш тажрибасини жамғариш, соғлиқни сақлаш, ахборот излаш инсон капиталига бўлган инвестицияни ташкил этади. Таълим ва касбга тайёргарлик инсоннинг билим даражасини оширади, яъни инсон капитали ҳажмини оширади. Соғлиқни сақлаш касаллик ва ўлимни қисқартириб инсоннинг хизмат қилиш муддатини оширади. Миграция ва маълумот излаш, ишчи кучининг меҳнатга юқорироқ тўланадиган, яъни инсон капитали қиймати юқорироқ бўлган жойларга ва тармоқларга ҳаракатланишига сабаб бўлади.

Инсон капитали назариясининг шаклланишига туртки бўлган тадқиқотлар қаторида МДХ мамлакатларидан С.Г.Струмилиннинг, инновацион ривожланишнинг устувор омили сифатида макро-, мезо- ва микродаражада инсон капиталининг ривожланиши ва амал қилишининг турли жиҳатлари А.И.Добрынин, С.А.Дятлов, Р.И.Капелюшников, Л.Г.Симкина, А.В.Корицкий, Ю.А.Корчагин, И.В.Скоблякова сингари олимлар тадқиқотларини келтириш мумкин.

Маҳаллий олимларимиздан Қ.Х. Абдурахмонов, Р.Салоҳўжаевлар томонидан инсон тараққиёти, инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари тадқиқ қилинган. С. Гулямов, Б.Ш.Усмонов, М.Қ.Қодиров, Ж.Д. Элтазаровлар инновацион инсон капитали, инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг ролини тадқиқ қилишаётган бўлса, Г.Эркаева, С.Рўзикуловлар инсон капиталини шакллантириш ва уни ривожланиш даражаларига инсон капиталига инвестицияларни амалга ошириш таъсирини таҳлил қилганлар. Г.У.Шомиев соғлиқни сақлаш тизимида инсон капиталини инновацион ривожланиш омили сифатида ўрганган. А.А. Хусейнова инсон капиталини ўрганишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари юзасидан тадқиқотлар олиб бормоқда.

Тадқиқот методологияси. Мамлакатимиз ва ривожланган мамлакатлар олимларининг илмий назариялари ва қарашлари, Жаҳон банкининг услубий материаллари, Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид ҳуқуқий-меъёрий ва бошқа ҳужжатларда акс этган ёндашувлар тадқиқот услубиятини ташкил этади.

Мазкур тадқиқот ишида социологик тадқиқотлар, таққослаш, монографик ўрганиш, статистик гуруҳлаш, иқтисодий таҳлил, жадвал усуллари қўлланилган.

Таҳлиллар ва натижалар. Инсон капитали – инновацион иқтисодиёт ва билимлар иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий омилидир. Ўзгаришларни бошқаришда “Инсон капитали” тушунчаси куйидаги хусусиятларни инобатга олишни тақозо этади:

- ҳозирги замонда инсон капитали иқтисодий тараққиётнинг етакчи омили ҳисобланади;

- инсон капиталини шакллантириш инсондан ва жамиятдан салмоқли харажатлар талаб этади;

- инсон капитали кўникмалар ва лаёқат сифатида муайян захира ҳисобланади, яъни уни жамғариш мумкин;

- инсон капиталига киритиладиган инвестициялар унинг эгасига келажакда кўпроқ даромад олиш имконини яратади;

- инсон капиталига киритиладиган инвестициялар салмоқли, узоқ вақт амал қиладиган, интеграл характерга эга бўлган иқтисодий ва ижтимоий самара беради;

- иқтисодий қўйилмалар киритиш қанча эрта бошланса, у шунча эрта унум бера бошлайди. Шунинг унутмаслик лозимки, инвестиция қанча сифатли ва узоқ давом этадиган бўлса, у шунча юқори ва узоқ вақт наф беради;

- инсон капитали жисмоний ва руҳий жиҳатдан емирилиб боради. Инсон капиталининг емирилиши биринчидан инсон организми ва унга хос бўлган психофизиологик функцияларнинг табиий емирилиши (кексайиш), иккинчидан, билимларнинг маънавий емирилиши (эскириш) даражаси билан аниқланади.

Инсон капиталини юзага чиқариш икки жиҳатга боғлиқ:

1. Биологик (генетик) омил – миллат характеридаги хусусиятларни наслдан-наслга ўтиши;

2. Ижтимоий-иқтисодий омил – таълим сифати, илмий салоҳият, соғлиқни сақлаш тизими ва б.

Экспертлар фикрича, “...инсон капиталининг ягона ўлчови, баҳолаш методологияси, мезонлари ва универсал қолип-андазаси мавжуд эмаслиги боис ҳар бир мамлакат уни ўзи билганича, ички имкониятларидан келиб чиқиб яратгани маъқул”[4]. Инсон капиталининг аҳамиятини бир нечта турли усулларга асосан баҳолаш мумкин. Иқтисодчилар уни аввало таълим олган инсонларнинг олаётган даромадига кўра ҳисоблайди. Тадқиқотлар ҳар бир қўшимча таълим йили инсон даромадини ўртача 10 фоизга оширишини кўрсатди. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсон капиталига индивидуал инвестициялар умумлаштирилганда, турли мамлакатларда инсон капиталига киритилган инвестиция билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ўртасидаги тафовут 10 фоиздан 30 фоизгача бўлишини кўрсатди.

Инсон капиталини шаклланиш жараёни бир қанча муҳим элементларни ўз ичига олиб, улар қаторига инвестицияни киритиш зарур. Инвестицияларсиз самарали инсон капиталини шакллантириш мумкин эмас. Меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган ҳар қандай чора инсон капиталига инвестициялар дейилади. Инсон капиталининг тўпланиши маълум харажатлардан, шахснинг (оила, ташкилот, давлат) инвестицияларидан иборат: саломатликни сақлаш; умумий ёки махсус таълим олиш; иш излаш; ишлаб чиқаришда касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш; миграция; нархлар ва даромадлар тўғрисида мақбул маълумотларни қидириш, болаларнинг туғилиши ва тарбияси ва ҳ.к.[5].

Бугунги кунда халқаро амалиётда қўлланилаётган инсон капитали индексини (ИКИ) бу соҳада амалга оширилаётган энг самарали тадқиқот усулларида бири сифатида қайд этиш мумкин. Инсон капитали индекси бу - Жаҳон банки томонидан тайёрланган ҳисобот бўлиб, унда қайси давлатлар ўз фуқароларининг иқтисодий ва касбий салоҳиятини сафарбар қилишда энг яхши эканлиги аниқланади. Индекс ҳар бир мамлакат таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги етишмовчиликлар туфайли қанча капитал йўқотишини ўлчайди.

Инсон капитали индекси биринчи марта 2018 йил октябрь ойида эълон қилинди ва 157 мамлакат рейтингини тузди. Инсон капитали индекси боланинг келажакда қай даражада самарали кадр бўлиб шаклланишини ўлчайди. Индекс қиймати 0 дан 1 гача интервалда бўлиб, қиймат 1 га яқинлашиши бугунги болаларнинг келажакда қай даражада етук инсон бўлиб шаклланишини кўрсатади[9].

Биринчи тузилган рейтингда Сингапур инсон капитали индексида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 2021 йилги 191 мамлакат орасида тузилган рейтингда 1-ўринни Швейцария эгаллаганини кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Дунё мамлакатларининг 2021 йилдаги инсон капитали рейтингини

Ўрин	Мамлакат	Баҳолаш (эришилган потенциалдан % да)
1.	Швейцария	0,962
2.	Норвегия	0,961
3.	Исландия	0,959
4.	Гонконг	0,952
5.	Австралия	0,951
...
101.	Ўзбекистон	0,727
102.	Доминика	0,720
102.	Иордания	0,720
104.	Ливия	0,718
105.	Парагвай	0,717
...


187.	Бурунди	0,426
188.	Марказий Африка Республикаси	0,404
189.	Нигер	0,400
190.	Чад	0,394
191.	Жанубий Судан	0,385

Манба: [https://ru.wikipedia.org/wiki/Список стран по индексу человеческого развития](https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_стран_по_индексу_человеческого_развития) маълумотлари асосида тайёрланган.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турганидек, рейтингда энг юкори 5 та ўринни Швейцария (0,962), Норвегия (0,961), Исландия (0,952), Гонконг (0,952) ва Австралия (0,951) эгаллаган бўлса, энг қуйи ўринларни Бурунди, Марказий Африка Республикаси, Нигер, Чад ва Жанубий Судан мамлакатлари эгаллаб турибди. Бу мамлакатларнинг индекслари 0,426-0,385 қиймат оралиғида.

Ушбу тадқиқотларда 2020 йилда илк мартаба иштирок этган Ўзбекистон 0,62 фоиз натижа кўрсатган бўлса, 2021 йилда 0,72 рейтинг кўрсаткичи билан ўсиш суръатларини намоян этганини кўриш мумкин.

1-расмда Ўзбекистон рейтинги даромадлар даражаси бўйича гуруҳланган давлатлар ўртача рейтинги билан таққосланган.



1-расм. 2020 йилда Ўзбекистон рейтинги даромадлар даражаси бўйича гуруҳланган давлатлар ўртача рейтинги билан таққослама таҳлили¹

Кўришиб турганидек, мамлакатимиз ИКИ рейтинги даромади паст давлатларга нисбатан 167,5 фоизга, даромади ўртачадан паст давлатларга нисбатан 129,1 фоизга, даромади ўртачадан юкори давлатлардан 110,7 фоизга юкори. Бироқ, даромади юкори давлатлар индексидан қарийб 12,6 фоизга пастлиги ҳали бу борада кўплаб ишлар қилиш кераклигини кўрсатади.

2020 йилга қадар Ўзбекистоннинг маълумотлари “Инсон капитали индекси” рейтингига эълон қилинмаган. Яъни Ўзбекистон томонидан фақат соғлиқни сақлаш ва иқтисодий кўрсаткичлар тақдим этилган ва бу Жаҳон банки томонидан қабул қилинган. Бироқ 2017 йилга қадар мамлакат мактаб ўқувчиларининг билимини аниқлаш учун ўтказилган мониторинг ишлари халқаро стандартларга мос эмаслиги сабабли таълим сифати (ўқувчиларнинг билимини баҳолаш) бўйича тақдим этилган маълумотлар қабул қилинмаган. Юртимизда мавжуд таълим сифати бўйича ишончли маълумот тақдим этиш учун 2019 йилнинг ноябрь ойида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Жаҳон банки билан ҳамкорликда TIMSS халқаро тадқиқотлари саволлари асосида

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/18/hci/>

математика бўйича мактаб ўқувчиларининг билимини ўрганган эди. Мазкур синовларда мактаб ўқувчилари қайд этган натижалар ҳам юртимизда инсон капиталини аниқлашда муҳим маълумот бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, Ўзбекистон илк маротаба инсон капиталини баҳолашга қаратилган PISA ва PIRLS халқаро тадқиқотларида ҳам иштирок этмоқда[7].

Дунё тажрибасида технологияларни шиддат билан ривожланиши сабабли инсон капиталига оид турли хил тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Булардан аҳамиятлиси рақамли технологиялар билан боғлиқ таҳлиллардир. Ҳозирги давр ходимлардан универсал кўникмалар тўпламига эга бўлиш маҳоратини талаб этади. Кейинги 10-15 йилда янги ихтисосликлар кўпайиб, эгалланган техник кўникмалар юқори малакали мутахассисни тайёрлаш ўртача муддатига қараганда тезроқ эскираётганлигини кўрсатмоқда. Шундай бўлса-да, инсон капиталини шакллантириш тизимига ёндашув ўзгармай қолган. Меҳнат бозорига чиқарилаётган кадрлар стандартлашган билим ва кўникмалар асосида тайёрланиши оқибатида тайёрланаётган мутахассислар бозор эҳтиёжига жавоб бермай қолмоқда. Бу эса “малака ўраси”ни тобора кенгайтиришга сабаб бўлмоқда. Таълим тизими ўзининг стандартлашган ёндашувини ўзгартирмасдан бозорнинг янги талабларига мослашишга уриниши мавжуд муаммонинг янада мураккаблашишига олиб келади. Натижада таълим олиш муддати янада узаяди ва қимматга тушади. Меҳнат бозоридаги асосий муаммолардан бири - мамлакатнинг инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида етарли миқдорда зарур юқори малакали кадрларга талабнинг ортиб бораётганлигидир. Шуни қайд этиш лозимки, кадрлар етишмаслиги деганда, мутахассис ходимларнинг жисмонан камлиги эмас, балки фаолият турига қараб уларнинг билим ва малакаларининг етишмаслигини тушуниш лозим. Ҳозирги глобаллашган дунёда умр бўйига бир хил таълим ва битта касбга йўналтирилган оммавий стандартлаштириш иш бермайди. Жадал ўзгараётган технологиялар ва иқтисодий ўзгаришлар шароитида инсондан тезкор фикрлаш, ўз устида ишлаш кўникмаларини доимо ривожлантириш ҳамда ҳаракатчанлик талаб этилади.

Экспертлар фикрича, 2030 йилга келиб бутун дунё аҳолисини 13 фоизга ўсиши, автоматлаштириш ва рақамлаштириш туфайли 2035 йилга келиб бандликнинг 1/3 қисми ўзгариши, барча иш ҳажмининг 14 фоизи автоматлаштирилиши мумкин. Бироқ, ҳозирда глобал ишчи кучининг 85 фоизи – паст ва ўрта малакали ишчилардир[9]. Ўзгаришлар нафақат технология соҳасида, балки унинг таъсирида меҳнат ресурслари тақсимоотида ҳамда аҳолининг маданий ва маърифий кадриятларида ҳам содир бўлади. Булар шакл-шубҳасиз иқтисодиётни мураккаблашувига олиб келиши билан бир қаторда инсон капиталига бўлган талаб ҳам ўзгаради. Демак, таълим тизимида юз бераётган ўзгаришлар муқаррар ва меҳнат бозори талабларига жавоб бериши учун таълимни инсон ва жамият эҳтиёжларига қай тариха мослаштирган ҳолда унга индивидуал ёндашиш мумкин?, инсонларда “умр бўйи таълим олиш” кўникмасини қандай шакллантириш лозим?, талабаларни зарур ва керакли билимларга йўналтириш учун нима қилиш керак? каби қатор масалаларга самарали жавоб қидириши керак бўлади. Бу жараёнда инсон капиталини ривожлантиришда иштирок этувчи томонлар: оила, давлат, таълим тизими, бизнес тузилмалар ва шахснинг ўзини ҳамкорлиги муҳимдир. Инсон капиталини ривожлантириш, ўзгаришларни бошқаришда ва инвестициялашда давлатнинг аҳамияти энг юқори ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Инсон капитали ўз-ўзидан юзага чиқмайди, у давлат томонидан ривожлантирилиши лозим, чунки инсон камолоти учун сарфланган инвестиция самараси синергик самара беради. Инсон омилининг кучайишига жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар бевосита таъсир кўрсатади. Жамият ва иқтисодиёт ривожланишининг суръатлари ва сифатида инсон ва у томонидан тўпланган интеллектуал салоҳиятни чуқур тадқиқ этиш ҳаётий заруратга айланди. Амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш тадбирларини кучайтириш зарур. Бунда, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш:

биринчидан, инсон капиталини ривожлантириш, ундан самарали фойдаланиш жараёнларини амалга ошириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш, таҳлил этиш ва уни ижтимоий ҳаётда кенг қўллаш;

иккинчидан, соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилишига қарамасдан, умр кўриш давомийлиги ривожланган давлатлар кўрсаткичлари даражасига етказишни тақозо қилади. Соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилаётган хизматларнинг натижадорлиги билан боғлиқ равишда молиявий маблағларни ажратиш механизмини такомиллаштириш;

учинчидан, таълим ва илмий фаолиятнинг сифатини ошириш ҳамда таълим хизматларини кўрсатишда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони. <http://old.lex.uz/docs/3913188>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони. <http://old.lex.uz/docs/5841063>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/>
4. Салоҳўжаев Р: Инсон капитали тараққиёти замонавий иқтисодий ривожлантиришнинг ягона йўли. <https://review.uz/>
5. Эркаева, Г. П. Рузикулов С. З. (2022). Инсон капиталини шаклланиши, ривожланиш даражалари ва инсон капиталини инвестициялаш. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 225-229.
6. “Human Capital”. World Bank. Retrieved 2021-04-20.
7. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/18/hci/>
8. “Human Capital Index 2018” (PDF). International Bank for Reconstruction and Development. The World Bank. 2018
9. <https://www.uzanalytics.com/iqtisodiet/6580/>

<p>А.Салимов</p> <p>Роль человеческого капитала в обеспечении развития страны и её эффективного управления</p> <p>Аннотация. В данной статье рассматриваются роль и значение человеческого капитала в обеспечении развития страны и его эффективного управления. Проанализировано место Узбекистана в индексе и рейтинге человеческого капитала. Рассмотрены возможности гармонизации требований экономики будущего и рынка труда.</p> <p>Ключевые слова: общество, управление изменениями, человеческий капитал, индекс человеческого капитала, образование, здоровье, инвестиции, рынок труда.</p>	<p>A.Salimov</p> <p>The role of human capital in ensuring the development of the country and its effective management</p> <p>Abstract. This article discusses the role and importance of human capital in ensuring the development of the country and its effective management. The place of Uzbekistan in the index and ranking of human capital is analyzed. The possibilities of harmonizing the requirements of the economy of the future and the labor market are considered.</p> <p>Keywords: society, change management, human capital, human capital index, education, health, investment, labor market.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023